

Андижон шаҳри

16-декабр 2019 йил

Ушбу пудрат шартномаси «Буюртмачи» деб аталувчи Андижон вилоят ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи директори М.А.КОДИРОВ бир томондан ва «Пудратчи» деб аталувчи «EVEREST KOMFORT BUILDING» МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи раҳбари И.ХАЙРУЛЛАЕВ иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофиқ Асака туманидаги 24-сонли мактабининг иссиқлик тизимининг мукаммал таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича, Эркин танлов комиссиясининг 2019 йил 16-декабрдаги №334 сонли баёни билан тасдиқланган, Пудратчи томонидан бажариладиган ишлар қиймати Кушилган Қиймат Солиғи (15%) билан 1 095 845 000 (Бир миллиард тўқсон беш миллион саккиз юз қирк беш минг) сумми ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг «Буюртмачи» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 15 фоизини олдиндан аванс тариқасида, манзилли дастурда мавжуд маблағлар доирасида, 20 000 000 (Йигирма миллион) сўмни «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Жорий молиялаштириш, берилган бўнак (аванс) маблағлари бажарилган иш ҳажмига мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда, бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ, шартнома умумий қийматининг 95 фоизи доирасида (топширилган иш ҳажми суммасидан олдин туланган бунак маблағи ва 5 %лик кафолат суммаси мутаносиб равишда олиб қилиниб) 2019 йилга тасдиқланган манзилли дастурда белгиланган лимит доирасида амалга оширилади.

2.5. Қолган 1 075 845 000 (Бир миллиард етмиш беш миллион саккиз юз қирк беш минг) сўмлик тўловлар, жумладан 5 фоизлик кафолат қолдиқ суммасининг тўлови, объект белгиланган тартибда фойдаланишга топширилиб, Буюртмачи томонидан талаб қилинган ҳужжатлар Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилганидан сўнг амалга ошириладиган 54 792 250 (Эллик тўрт миллион етти юз ун тўқсон икки минг икки юз эллик) сум бюджетдан маблағ ажратиш берилгандан сўнг, жорий ҳисобот йили давомида амалга оширилади.

Тўловлар факат бюджетдан еки амалдаги қонунларга зид бўлмаган бошқа молиялаштириш манбаидан маблағ ажратилгандан сўнг амалга оширилади. Буюртмачига боғлиқ бўлмаган ҳолда молиялаштиришнинг кечикиши ёки тўхтатилиши учун буюртмачи жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

Молиялаштириш ишлари шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвали (1-илова)га асосан, шартнома бўйича ишларни бажариш жадвал (2-илова) га мувофиқ амалга оширилади.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «Буюртмачи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.7. Шартнома бўйича бажариладиган ишлар муддати аванс тўлов пудратчи ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб 60 кунни ташкил қилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Пудратчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «Буюртмачи»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишнинг қабул қилиб олиш асосида равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;



7359 son bilan
RO'YXATDAN O'TKAZILDI
20 12.17.12

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;
«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;
«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуксон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 % и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 % и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГОН (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.


6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома имзоланиб, ҳудудий Ҳазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2019 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«БУЮРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
«Ягона буюртмачи хизмати» ИК.	“EVEREST KOMFORT BUILDING” МЧЖ
Андижон ш. Навоии шох куча 45 уй	Андижон ш., Мангулик-48
Тел: 223-08-28	Тел: +998-93-910-50-50
ИНН 200238014, ОКЭД 70100	АТ Алокабанк Андижон фил
Ш/хв 100022860032247092100075123	х/р: 20208000200578020001
ЎзР Молия Вазирлиги Ҳазначилиги	МФО: 00923 ИНН: 303759745
Ягона Газна х/в 23402000300100001010	
М Б ҲҚМ Тошкент ш.	
МФО 00014, СТР 201122919	
Раҳбар: 	Раҳбар: 
М.Кодиров	И.Хайруллаев



2359 son bilan
«О'УХАТДАН О'ТКАЗИЛД»
2019.12.12